

Сийрат хатмонасида «Нурул яқин» китобидан бериладиган саволларга тайёрмисиз?



20:26 / 23.10.2022 1179

Islom.uz портали мухлислари, **26 октябрь куни, шом намозидан сўнг «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф»** жомеъ масжидида барчамиз учун бирдай азиз бўлган сеvimли шафоатчимиз — Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаламнинг ҳаётлари ва таълимотларига боғлиқ бўлган **«Дунё Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ёруғдир»** шиори остида ўтказилган сийрат хатмонаси тадбири бўлиб ўтиши ҳақида эълон берган эдик.

Ушбу сийрат хатмонаси тадбирида савол-жавоб рукни ҳам ўрин олган. Хусусан, устоз **Абулазим Зиёуддин** домла тарафларидан академик таржима қилинган **«Нурул яқин»** китобининг биринчи жузи асосида савол-жавоб мусобақаси бўлиб ўтади. Сийрат мусобақасида иштирок этишни истаган диндошларимиз мазкур китобни ўқиб, тайёрланиб келишлари сўралади. **«Нурул яқин»** китобини мутолаа қилар экансиз, ўзингизни гўё саодат асрига тушиб қолгандек ҳис қиласиз. Азиз иштирокчилар, сиз ушбу мўътабар китобни ихлос билан ўқинг ва натижасига ўзингиз гувоҳ бўлинг.

Мусобақада иштирок этиб, тўғри жавоб берганларга эсдалик совғалар тақдим этилади.

**Барча диндош ака-ука, опа-сингилларимизни сийрат хатмонасига
таклиф этамиз!**